

**Гулзода ЭГАМБЕРДИЕВА**

**ВАТАН МАДЖИ ЯНГРАР  
ДИЛИМДА**


*(Шеърлар)*

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2007

84(5-й)6

Гулзода Эгамбердиеванинг «Ватан мадхи янграр дилимда» деб аталган ушбу мўъжазгина мажмуасида Ватанга бўлган муҳаббат, ота-она ва устозни улуглаш, висол онлари қадри қаламга олинади. Шоиранинг илк тўпламини ўқиб баҳолаш сизга ҳавола, азиҳ китобхон!

10 34481  
0



Э 4702620202- 57  
376(12)2007 57- 2007

Г. Эгамбердиева, 2007 й.

ISBN 5-7323-0520-8

## **ВАТАН**

Дунёга келибоқ очганда күзим,  
Ватан, сени ҳис қила билдим.  
Ватан деган табаррук сүзни  
Она каби муқадdas билдим.  
Шон-шұхратта түлиқ Ватаним,  
Келажаги буюк Ватаним.

Қанча олис юртларда юрмай,  
Ватан, доим қалбимдадирсан.  
Дилдан сени севиб ардоқлай,  
Менинг қутлуғ саждагоҳимсан.  
Дилда мәхрим, суюқ Ватаним,  
Саждагоҳим, буюк Ватаним.

Сенда иқбол, тинчлик мустаҳкам,  
Амир Темур руҳи мужассам.  
Ифтихорга тұлади қалбим,  
Тарихингдан агар сүз очсам.  
Тарихи минг достон Ватаним,  
Тинчлик учун посбон Ватаним.

Пахта, ғалла, бойликка консан,  
Нефть ва газу олтинга консан.  
Сени севмәқ муқадdas бурчдир,  
Покиза нур, тоза виждонсан.  
Оlam аро номдор Ватаним,  
Бағри чаман гулзор Ватаним.

Ватан, сендан топдим баҳтимни,  
Изҳор этай улуғ аҳдимни.  
Сенга содиқ фарзанд бўламан,  
Халқим учун хизмат қиласман.  
Шон-шуҳратинг ошсин Ватаним,  
Келажаги буюк Ватаним.

## ЎҚУВЧИЛИК, ЁШЛИК ЙИЛЛАРИМ

Эслайман мактабга илк борганимни,  
Синфдош дўстлар-ла танишганимни,  
Илк устозим билан учрашганимни,  
Ўқувчилик, ёшлиқ йилларим.

Юксак орзуладарга ошно эдик биз,  
Тилаклар юксакда, хаёллар сўнгсиз,  
Ўша ўйлар билан яшайман ҳануз,  
Ўқувчилик, ёшлиқ йилларим.

Чукур хаёлларга, ўйга толаман,  
Ўша ўйлар билан эсга оламан,  
Ўша ўйлар билан ҳамон боламан,  
Ўқувчилик, ёшлиқ йилларим.

Ёшлиқ сирларига бу кўнгил асир,  
Синфдош дўстларни эслайман бир-бир.  
Ҳаётда безавол яшайман токи,  
Қалбим эсламоққа, соғинчга қодир.

Гоҳо муҳаббатдан айланса бошим,  
Синфдош дугонам бўлдинг сирдошим,  
Доимо излайди сизни нигоҳим,  
Ўқувчилик, ёшлиқ йилларим.

Үқиб илм ила одоб мағзини,  
Тарк айладик мактаб бағрини.  
Соғинаман устоз меҳрини,  
Ўқувчилик, ёшлик йилларим.

Йиллар ўтиб, улғайдик, ўсдик,  
Камолотнинг фаслига етдик,  
Қушлар каби тарқалиб кетдик,  
Ўқувчилик, ёшлик йилларим.

Мен ҳам мурод, мақсадга етдим,  
Бу ҳаётда ўрнимни топдим.  
Аммо сенга талпинар қалбим,  
Ўқувчилик, ёшлик йилларим.

Унутмайман мен сизни сира,  
Пок ёдингиз тортмайди хира.  
Сиз қалбда энг порлоқ хотира,  
Ўқувчилик, ёшлик йилларим.

## **ДҮСТИМ, КЕЛДИ ЗАМОНАНГ**

Дўстим ўқи, излан, келди замонанг,  
Мустақил Ватанда имконинг бордир.  
Қаёққа интилсанг, етади қўлинг,  
Сени қўллагувчи юртбошинг бордир.  
Юрт обод, озод ва сўлим диёрдир.  
Эркесвар элларнинг толеи ёрдир.  
Бошингда порлаган хурлик қуёши,  
Ватаним чаманзор, мангу баҳордир.  
Истиқлол айёминг муборак бўлсин,  
Толеинг қуёши кулиб боқмоқда.  
Хур замон яшасин, мангуга қолсин,  
Келажак авлодлар униб ўсмоқда.  
Тинчликсевар халқлар ёр бўлар сенга,  
Олис-олислардан келар тўйингга.  
Ҳар кунинг осуда, фаровон бўлсин,  
Бахт олиб келтирсин обод уйингга.  
Абадий яшасин ўзбек элимиз,  
Жаҳон майдонида ноёб дурдона.  
Юрагимиз тўлиб фахр этамиз,  
Ватан ягонадир, Ватан ягона!  
Ўзбекистон буюк она-юртимиз,  
Мустақил, обод, хур, озод диёрдир.  
Дўстим ўқи, излан, келди давронинг,  
Сени қўллагувчи Ватанинг бордир!



## **ОНАМГА**

Сиз бўлсангиз дунё гўзал онажон,  
Сиз кулсангиз дунё кулар онажон.  
Бириси кам дерлар асли дунёни,  
Тўлиб турар сиз билан у, онажон.

Сиз авлод ва башарнинг бошисиз,  
Тирикликнинг асл тамал тошисиз.  
Сиз борсизки, ҳаёт гўзал, мунааввар,  
Тириклик мангуга безавол яшар.

Сизнинг билан нурафшондир кенг жаҳон,  
Қолмас зарра дилда армон, онажон.  
Бағрингизда қувнаб, яйраб ўсгайман,  
Сиз борсизки, мен баҳтиёр бўлгайман.

Ўсиб камол топар умрим ниҳоли,  
Она билан кулар фарзанд иқболи.  
Мен сизни ардоқлаб камол топгайман,  
Оналарни севган завол топмагай.

Ака-ука, опа-сингил, отажон,  
Ҳаммамизга сиз меҳрибон чароғон.  
Боғбондек ардоқлаб меҳр бергайсиз,  
Умрингиз боғини фидо этгайсиз.

Бағрингизга бошгинамни қўяйин,  
Меҳрингиздан тўйиб нафас олайин.  
Тунлари соғиниб бедор бўлайин,  
Худди сиздек бир фидокор бўлайин.

Борлигимсиз, ҳаётимиз, онажон,  
Бахтимизга бўлингиз доим омон.  
Бу ҳаётда қолмайин ҳеч армонда,  
Хушбаҳт даврон суринг озод замонда.

Элда юзи ёруғ, моҳитоб бўлинг,  
Фарзанд, набиралар роҳатин кўринг.  
Дунё тинч, элимиз фаровон бўлсин,  
Уйимиз баҳт, иқбол, шодликка тўлсин.  
Ҳаётда баҳтиёр даврон сурайлик,  
Боболар руҳини шодон этайлик.  
Бобо, момо бўлиб отам иккингиз,  
Муроду мақсадга мудом етингиз.

Сиз билан ҳар ишга қодир бўламиз,  
Сизлар билан доим фахр этамиз.  
Шеърини баҳш этди Сизга Гулзода,  
Онажон, умрингиз бўлсин зиёда.



**ОТАЖОН**  
**(Падари бузрукворим, устозим**  
**Қаҳрамон Эгамбердиевга)**

Ховлимизда қолган қутлуғ изингизни,  
Чақнаб турған меҳр тұла күзингизни,  
Кизим, дея әркалатған сүзингизни,  
Отажоним, мен соғиндим үзингизни.

Сиз олисда- Муборакда хизматдасиз,  
Элу юртнинг ташвишида-иззатдасиз.  
Меҳнат сизга обрү, давлат, баҳт келтириди,  
Кекса-ю ёш ардоғида, ҳурматдасиз.

Сизнинг билан оиласыз фаровондир,  
Меҳрингизнинг нури билан чарагондир.  
Ҳар бир фарзанд ота билан камол топгай,  
Фарзанд бир гул, ота мисли бир боғбондир.

Сиз сүянчиқ оға-ини баримизга,  
Доим соғу омон бўлинг баҳтимизга.  
Ота билан мангъ яшнагъ ҳаёт гули,  
Мададкорсиз бу ҳаётбахш умримизга.

Доим соғлом, бардам бўлиб юринг деймиз,  
Хур диёрда давру даврон суринг деймиз.  
Онам билан қўша қариб пир-бадавлат,  
Давраларда дилдан яйраб кулинг деймиз.

Орзунгиз фарзандларнинг баҳт, камоли,  
Фарзанд билан кулар ота, она иқболи.  
Ота фарзанд орзусига етган маҳали,  
Турмуш гўзал, яшнаб кетар Ватан жамоли.

Орзулари тўлиб тошган кўнглингизни,  
Бизга паноҳ иссиқ қучоқ бағрингизни,  
Ҳар бир айтган насиҳату сўзингизни,  
Отажоним, соғиндим мен ўзингизни.



## **ОРЗУ**

Ёшликдаги орзуимга,  
Етдим бугун, онажон.  
Үниб-ўсиб бу ҳаётда,  
Үрним топдим, онажон.

Синовлардан ўтиб доим,  
Олға томон бораман.  
Жуда ойдин борар йўлим,  
Мақсадимга етаман.

-Қизим, бордир бир орзуим,  
Бўлсанг эди шоира.  
Тангри қўлласин доим,  
Бахт ато этсин сенга.

Ақл уйинг равшан бўлсин,  
Сен дунёни ўйлагин.  
Худо сенга илҳом берсин,  
Бахт-икъболни куйлагин.

-Онажоним, бир кун келиб,  
Шоира ҳам бўларман.  
Илк шеъримни сизга атаб,  
«Онажон» деб атарман.

Менга ҳаёт ато этиб,  
Илҳом берган ўзингиз.  
Кўлларимга мангу тушмас,  
Қалам берган ўзингиз.

- Айтганларинг келсин, қизим,  
Шунда қолмас армоним.  
Сенинг билан яшнар умрим,  
Кулар давру давроним.

Орзуимга етсам агар,  
Умрим завол топмайди.  
Она умри дунё қадар,  
Фарзандида яшайди.  
-Онажон, меҳрибоним,  
Фидо бўлсин сизга жоним.  
Шеърим битди, ёруғ юзим,  
Дилда йўқдир армоним.



## **ОНАЖОНИМГА**

Жонажоним, онажон,  
Меҳрибоним онажон.  
Бахтимизга ҳар қачон,  
Яшаб юринг соғ, омон.  
Она ҳаёт қувончи,  
Оиланинг таянчи.  
Мададкордир бир умр,  
Фарзандининг суюнчи.  
Мунаввар нур, дурдона,  
Оlam аро ягона.  
Онажоним, сиз доим,  
Бошимизда парвона.  
Оқ сут бериб ўстирган,  
Меҳри билан тўйдирган.  
Қалбимизда эзгулик  
Гулларини ундирган.  
Ўзингизсиз, онажон,  
Ўзингизсиз меҳрибон.  
Сиз дунёда боримсиз,  
Муқаддас гулзоримсиз.  
Бу дунёда ягона,  
Хазонсиз баҳоримсиз.  
Сизсиз менинг қувончим,  
Ёлғизгина сирдошим.  
Ҳаётнинг йўлларида,  
Суянчигим, таянчим.  
Сизга дил роз айтамиз,  
Доим эъзоз этамиз.  
Берган сутингиз оқлаб,  
Баланд парвоз этамиз.

## **УСТОЗИМ**

Илк мактабга келганимда,  
Кутиб олган устозим.  
Менга илк бор «Алифбо»ни  
Үргатган Сиз, устозим.

Она каби парваришлаб,  
Үстиргансиз ўзингиз.  
Тиним билмай сабоқ бериб,  
Йўл кўрсатган ўзингиз.

Чин юракдан ҳавас қилиб,  
Орзу қилдим мен шуни:  
Сизга ўхшаб аъло ўқиб.  
Устоз бўлай бир куни.

Йиллар ўтар, келиб бир кун,  
Мен ҳам устоз бўларман.  
Шогирдларни янги, нурли  
Манзилларга элтарман.

Ўшанда ҳам сизни асло,  
Унутмайман устозим.  
Мен учун сиз мангубаёт,  
Йўлчи юлдуз устозим.

Биз шогирдлар номингизни,  
Дилимизда сақлаймиз.  
Бизга берган сабоғингиз,  
Илмингизни оқлаймиз.

Устоз номи мангу яшар,  
Ёшларнинг иқболида.  
Орзулари ушалади,  
Шогирдлар камолида.

Меҳнати кўринади,  
Ҳар бир ёш парвозида.  
Бахт, иқболи кулади,  
Элу юрт эъзозида.



## **БУ ЮРАК**

Қаёқдан биласан, балки бу юрак,  
Кимнидир пинҳона севиб қолгандир.  
Севгидан туғилар орзу ва тилак,  
Юксак түйғуларга ошно бўлгандир.

Хукм этиб бўлмас юракка,  
Бу танда у танҳо хукмрон.  
Қанот берар орзу-тилаклар,  
Сирларини тутмайди пинҳон,

Жўш уради, қайнаб тошади,  
Келажакка ундейди ҳар дам.  
Сарҳадлардан тошиб ошади,  
Унга ғайрат ва идрок ҳамдам.

Қаёқдан биласан, балки юраклар,  
Бир-бирига ошно бўлгандир.  
Чечак отиб орзу, тилаклар,  
Вафо бўстонида кулиб тургандир.

Севги билан кўзлар чараклар,  
Юракларда чақнайди чақин.  
Мұхабbatдан сармаст юраклар  
Уммон мисол кўтарар тўлқин.

Билиб қўйгин, билгин бу юрак,  
Мұхабbatга мангу ошиён.  
Туйғулари жўш урар мудом,  
Мисоли бир бўронли уммон.

## **МУҲАББАТ**

Бунчалар буюксан, муҳаббат,  
Бунчалар суюксан, муҳаббат.  
Сен инсон қайғуси, қувончи,  
Хаётнинг ўзисан, муҳаббат.


Кимларни сүйдириб севинтирасан,  
Кимларни куйдириб куйинтирасан.  
Үртанган юракни овунтирасан,  
Роҳатим, азобим, муҳаббат.

Инсонлар сен билан буюқдир,  
Бу ҳаёт сен билан тирикдир.  
Қалб уйим сен билан ёруғдир,  
Қалбдаги чироғим, муҳаббат.

Кўнглимга бахш этдинг зиёни,  
Танитдинг ғанимни, ошнони.  
Мен сенда қўраман дунёни,  
Кўзларим, қароғим, муҳаббат.

Сен билан жўшади ижодим,  
Келажак ҳаётим, зурёдим.  
Сен билан тўлиқдир ҳаётим,  
Висолим, фироғим, муҳаббат.

Мен сени муқаддас асрایман,  
Сенки бор экансан, ўлмайман.  
Доимо улуғлаб яшайман,  
Қалбдаги эъзозим, муҳаббат.



Сенда бир илоҳий қудрат яширин,  
Висолинг, фироқинг, азобинг ширин.  
Ҳеч ким англай олмас ҳеч қачон сиринг,  
Ҳамиша бор бўлгин, бор бўл, муҳаббат.

### **ҲАЁТ СИНОВЛАРИ**

Бисёр экан ҳаётнинг синовлари,  
Ҳар қадамда дуч келади ғовлари.  
Ҳар кимсанинг кўп бўлса ҳам дўстлари,  
Учраб турар ғанимлари, ёвлари.

Бу ҳаётда адашса, қёқилса ҳам,  
Ғанимлари йўлига ғов солса ҳам.  
Синовлардан иродага таяниб,  
Фолиб инсон енгиб ўтар доим ҳам.

Ақлу идрок, ирода, сабру тоқат,  
Таянч бўлар одамларга ҳамма вакт.  
Доно инсон йўлидан адашмайди,  
Доноларга ҳамроҳ бўлар, омад, баҳт.

Улар синовларни енгиб ўтади,  
Адашмайди, асло йўлда қолмайди.  
Ишонч, меҳнат билан олға интилиб,  
Бир кун мурод, мақсадига етади.

Доно, мард инсонлар элнинг камоли,  
Яйрайди, яшнайди юртнинг жамоли.  
Синовлардан ўтиб юксакка етиб,  
Доим порлаб турар юлдуз мисоли.

Бизлар ҳам улардан ибрат олайлик,  
Ақлу заковатни машъал қилайлик.  
Хаёт йўлларида адашмай туриб,  
Бахтли келажакка етиб борайлик.

### **МЕН СЕНИ УНУТОЛМАДИМ**

Мен сени бир зум ҳам унутолмадим,  
Юрагимдан асло чиқаролмадим.  
Сенсиз яшамоққа уриндим, аммо,  
Хаёлимдан олиб кета олмадим.

Инсонлар муҳаббат билан түғилган,  
Муҳаббат тан билан жонга йўғрилган.  
Муҳаббатсиз асло яшаб бўлмайди,  
Муҳаббат тақдирда азал ёзилган.

Сен кетдинг, қалбимда муҳаббат қолди,  
Интизор кўзларим йўлингда толди.  
Қалбимда муҳаббат мангуга қолиб,  
Ором, ҳаловатим мангу йўқолди.

Гоҳида сен билан суҳбат қураман,  
Хаёлий висолдан шодон куламан.  
Менинг хаёлимда ҳамиша борсан,  
Сенинг ёдинг билан куйлаб ўтаман.

Фақат шеър бўлади кўнглимга дармон,  
Унинг дарди билан ором олар жон.  
Оташин сатрлар қофозга тушса,  
Юрак ором олар, қолмайди армон.

Ҳамиша ўз-ўзим билан ёнаман,  
Гоҳида күнглимга таскин бераман.  
Унутмасман сени мен ҳеч қачон, асло,  
Бир куни ёнингга балки борарман.

## ОНА ТИЛАГИ

Ўниб-ўс, доимо ҳеч кўрмагин ғам,  
Дилингда ҳеч бўлмасин армон.  
Кулгинг-ла қалбимни эта олсанг шод,  
Барча шодликларни сенга тилайман.

Йўлларинг доимо нурларга тўлса,  
Кўзларинг қуёшдек чараклаб турса.  
Шодликларинг кўриб қалдан қувонса,  
Барча қувончларни сенга тилайман.

Бир куни улғайиб катта бўларсан,  
Ҳаётдан муносиб ўрин топарсан.  
Бахтиёр кўзларинг кўриб севинсан,  
Барча севинчларни сенга тилайман.

Ватанинг бир содик фарзанди бўлсанг,  
Она еримизнинг посбони бўлсанг.  
Ваъдага вафодор, аҳдингда турсанг,  
Инсон камолини сенга тилайман.

Ижобат бўлади она дуоси,  
Фарзанд камолидир чин муддаоси.  
Ҳеч қачон сўнмасин кўзинг зиёси,  
Нури Мухаммадни сенга тилайман.

Тилагим: соғ яша озод замонда,  
Омадинг ёр бўлсин, қолма армонда,  
Бахти баркамол бўл, умри зиёда,  
Болам, хуш умрни сенга тилайман.

## СЕВГИЛИМ

Кўз ўнгимда тураг жамолинг,  
Хаёлимдан кетмайсан ҳамон.  
Қалб қумсайди сенинг висолинг,  
Фақат сени севаман, ишон.

Сенсиз ўтган кунларим азоб,  
Сенсиз менга тордир бу дунё.  
Сенсиз менга татимас ҳаёт,  
Кўзларимга беролмас зиё.

Бу ҳаётнинг боши муҳаббат,  
Пайванд этар қалбларни қалбга.  
Бу ҳаётнинг нури муҳаббат,  
Унинг билан нур тўлар қалбга.


Муҳаббатга ошно юраклар,  
Юксакларга ундейди бизни.  
Қанотланар орзу, тилаклар,  
Ёритади умр йўлини.

Муҳаббатга ошно юраклар,  
Саҳроларда яратар бўстон.  
Ундан ижод илҳоми жўшар,  
Ёзилади шеър, фазал, достон.

Муҳаббат ҳаётни ўргатар,  
Яшамоқни ўргатар бизга.  
Насиб этсин гўзал туйғулар,  
Ҳар йигитга, ҳар битта қизга.

Бирга бўлсак севгилим сен-ла,  
Кўнглимда ҳеч қолмайди армон.  
Бахтиёрман сен билан бирга,  
Мухаббатим сўнмас ҳеч қачон.

Соғинаман мен сени ҳамон,  
Висол дами кўнглимда ҳавас.  
Писанд эмас мен учун ҳижрон,  
Хаёлимда кулиб турсанг бас.



## **Мундарижа**

Ватан.....	3
Үқувчилик, ёшлик йилларим.....	4
Дүйстим келди замонанг.....	6
Онамга.....	7
Отажон.....	9
Орзу.....	11
Онажонимга.....	13
Устозим.....	14
Бу юрак.....	16
Мұхаббат.....	17
Хәёт синовлари.....	18
Мен сени унугомадым.....	19
Она тилаги.....	20
Севгилим.....	21

**АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР**  
**ГУЛЗОДА ЭГАМБЕРДИЕВА**  
**ВАТАН МАДХИ ЯНГРАР ДИЛИМДА**

(Шеърлар)

Мұхаррир: Ш.Пирматова.  
Техник мұхаррир: Ч.Рахмонов.  
Мусаххих: Ш.Махмудова.  
Бадиий безакчи: Б. Темиров

ИБ 1127

Теришга 29.11.2007 йилда берилди. Босишига 3.12.2007 йилда  
рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табоги - 1,26.  
Шартли бүёк - отт-1,32. Нашр босма табоги - 0,72. 75-2007-  
шартнома. 103 - буюртма. 200 нұсқада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик  
шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳузу-  
ридаги «Матбаа» цехида чоп этилди.

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.